Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил 19 июнь ЧОРШАНБА № 50 (12582)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Теннис

## КОРТДА ЕТТИ ЁШЛИ БОЛАКАЙ

**Олмалиқдаги "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамиятининг катта теннис корти 2000 йилда қуриб, ишга туширилган эди. Мана, ўн уч йилдирки, тўртта қумли ва тупроқли кортлардан иборат ушбу спорт иншооти "Аммофос-Максам" ишчи-хизматчилари ва уларнинг фарзандлари учун хизмат қилаяпти.**

Катта теннис ёш танламайдиган спорт турларидан. Шу боис бу ерда етти ёшдан етмиш ёшгача деганларидек, кексаю-ёш хоҳлаган пайтида, истаганча шуғулланиши мумкин. Бош мураббий Николай Паправко уларга ёрдам беришга доим тайёр.

– Мажмуамизда спорт билан мунтазам шуғулланувчилар учун ҳам, ҳавасга келувчиларга ҳам имконият ва шароитлар етарли, – дейди Николай Иванович. – Одатда, теннис кортларимизда корхона ишчи-хизматчилари ва уларнинг ўғил-қизлари шуғулланишади. Бироқ, эшикларимиз барчага доим очиқ.

Бош мураббий ҳақ. Бу спорт мажмуасида нафақат машғулотлар, балки спорт мусобақалари ҳам йил бўйи тинмайди. Наврўз байрами арафасида, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Асосий қонунимиз қабул қилинган кун, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига бағишлаб қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади. Айниқса, "Аммофос-Максам" корхонаси соврини учун ҳар йили ўтказиладиган анъанавий турнир кўплаб спортчиларни жалб этмоқда.

– Ушбу турнирда корхонамиздан олти теннисчи иштирок этди, – дейди спорт мажмуаси раҳбари Турғунбой Топилов. – Энг кенжа иштирокчи Азиз Мадатов 7 ёшда. У тўрт ёшидан шу ерда мунтазам шуғулланади.

Бу йилги анъанавий теннис турнири вилоят миқёсида ташкил этилди. 10 июнь куни бошланиб, 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган 25 нафар болалар қатнашган мусобақаларга якун ясалиб, ғолиблар аниқланди.

1997-1998 йилларда туғилган болалар ўртасида Дилшод Остонақулов ва қизлар ўртасида Гулфина Халимулина турнир ғолиби бўлишди. 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Сервер Уланов, қизлар ўртасида Амина Акберова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Жуфтликлар беллашувида эса Зафар Мустафин билан Сервер Уланов барча рақибларини мағлуб этишди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**




Сиёсий жараён

## ОАВ ВА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ

### ўртасидаги мулоқот: Ўзбекистон тажрибаси

Оммавий ахборот воситаларида ахборотнинг эркин айланиши демократик жамиятнинг асосий сиёсий ва ижтимоий идеалларидан бирини ўзида акс эттиради. Дарҳақиқат, инсон жамиятда ижтимоий фаолиятини амалга ошириши учун доимий равишда ахборот оқимига эҳтиёж сезади. Инсон учун ижтимоий муҳит, атрофдаги олам билан доимий ахборот алмашиб туриш нормал ҳаёт кечиришнинг муҳим шартларидан биридир.

ОАВ ижтимоий фикрни шакллантиришнинг муҳим манбаи сифатида жамиятни бошқариш имкониятига эгалигини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳуқуқдан масъулият билан фойдаланиш лозим. Соҳа ходимлари катта ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлгани ҳолда жамият олдида жавобгардирлар. Сўз эркинлигини суиистеъмол қилиш дунёнинг барча мамлакатларида қонун асосида жазоланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ахборот соҳасини либераллаштириш, ОАВнинг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларни демократик ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантиришнинг миллий стратегияси ҳисобланади.

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг, очиқ фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим йўналиши давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида янада очиқликни таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ҳақида узлуксиз хабардор қилиб боришдир. Бу борада "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этди.

Хорижий давлат ахборот хизматлари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, улардан жамоатчилик билан алоқада бўлиш ҳамда давлат ва ОАВ ҳамкорлиги тизимида ошкораликни таъминлашнинг энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Улар ахборот оқимининг бошқарувга оид қарор ва позициялар билан интеграциясини таъминлашга қодир бўлган информацион инфратузилмани яратадилар. Бу эса давлат ахборот сиёсатини самарали амалга оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Маълумки, деярли барча демократик мамлакатларда ахборотнинг ёпиқлиги қоидасини ҳар хил талқин қилишни истисно этадиган норматив-ҳуқуқий база мавжуд. Ҳатто Буюк Британия сингари ахборот эркинлиги ҳақида қонун мавжуд бўлмаган мамлакатда ҳам томонлар (давлат ва жамият) ўртасида у ёки бу ахборотни тақдим этишнинг қонунийлиги юзасидан келиб чиқадиган низони суд тартибида ҳал қилиш механизми йўлга қўйилган. Шу тарика демократик давлатнинг энг муҳим функцияларидан бири бажарилади – сўз эркинлиги принципига мувофиқ фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи таъминланади ҳамда шахсий ҳаётга оид сирлар ва интеллектуал мулк муҳофаза қилинади.

Мамлакатимизда Конституция, Фуқаролик, Жиноят кодекслари ҳамда ОАВ фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган махсус ҳуқуқий ҳужжатлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асослари ҳисобланади.

Асосий қонунимизда (67-модда) оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ҳамда цензурага йўл қўйилмаслиги кафолатланган. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунда (2007 йил 15 январь) журналистлар ва ОАВнинг жамият ва давлат билан муносабатлари янада аниқлаштирилган. Мазкур қонун ОАВ фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, замонавий талаб ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

"Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши эса ахборот олиш эркинлигини кафолатлаб, соҳада ҳуқуқий майдонни юзага келтирди. Қисқа қилиб айтганда, юртимизда ахборот манбаларидан фойдаланиш кафолатлари таъминланган, миллий ахборот ресурсларини кенгайтириш ва яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, давлат матбуот хизмати жамоатчилик билан алоқалар хизмати (PR-хизмат)нинг бўлинмаси ҳисобланади. Агар идорада бундай хизмат бўлмаса, одатда матбуот хизмати ушбу функцияларнинг бир қисмини бажаради. Нафақат ахборотни жамоатчиликка етказиш, балки жамоатчилик ва хорижий давлатлар олдида ҳокимият органларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва нуфузини оширишга ҳаракат қилиш ҳам уларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу боис деярли барча матбуот хизматлари ўз ишида фаол (ҳужумкор) позицияни эгаллашади.

*(Давоми 2-бетда).*

# Вилоят ҳаёти

## МАЙДОНДА ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ

**Бекобод тумани Қиёт қишлоғи "Уяс" маҳалласида "Мактаб – оила – маҳалла" тамойили доирасида "Спорт – соғлик гарови" шиори остида 21 ёшдан 46 ёшгача бўлган аёллар ўртасида қўл тўпи мусобақаси ўтказилди.**

Унда 1977 йилда туғилган аёллардан иборат "Мучалдош", 46-умумтаълим мактаби ўқитувчи хотин-қизларининг "Зиёкор" ва маҳалла фаолларининг "Уяс" жамоалари иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз кечган ўйинда "Зиёкор" жамоаси ғолиб чиқди. Жамоанинг Н. Холиқова, М. Бийбоева, Н. Мирзабекова, Н. Ҳикматова каби аёллари чиройли ўйинлар кўрсатиб, эришилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Ғолиб жамоа аъзоларига ўйин ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

**Каримқул МАВЛОНОВ.**

## ДИПЛОМ БИЛАН БИЗНЕСГА

**Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежида ЎзЛиДеП ташаббусларидан бири – "Диплом билан бизнесга" лойиҳасининг туман босқичи ўтказилди.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика Марказий банки ва бошқа қатор тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда солиқ ва молия бўлимлари вакиллари ёш тадбиркор-битирувчилар учун яратиладиган имконият ва имтиёзлар ҳақида тушунтириш беришди.

Туман касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг энг мукаммал ва истиқболли деб топилган 10 та бизнес-режаси танлаб олинди. Бу ўн нафар битирувчи "Диплом билан бизнесга" лойиҳасининг вилоят босқичига йўлланма олди.

**Умида ИСАЕВА.**

## ИЛЛАТГА МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўка туман кенгаши маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида хотин-қизлар қўмитаси Маънавият-тарғибот маркази туман бўлими билан ҳамкорликда "Диний экстремистик оқимларга қарши қатъий муросасиз муносабат билдира олиш қобилиятини шакллантириш" ва "Гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатлари" мавзуларида давра суҳбати ташкил этди.**

Тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ҳаракат фаоллари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этишди. Соҳа мутахассислари ҳар икки мавзу юзасидан маърузалар қилишди ва ёшларни қизиқтираётган масалаларга оид саволларга мукаммал жавоб бердилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ТАДБИРКОРЛИККА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

**Марказий банкнинг вилоят бошқаруви Бекобод шаҳрида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун амалий семинар ташкил этди. Анжуман ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш масалаларига бағишланди.**

Семинарда коллеж битирувчиларининг ишга жойлашишларидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан атрофлича фикр юритилди. Тадбиркорликни ривожлантиришга оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, банклар таклиф этаётган кредит ва турли хизматлар ҳақида маълумотлар берилди. Ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган битирувчиларга имтиёзли кредитлар олиш учун йўл-йўриқлар кўрсатилди.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

«Ёз – 2013»

## «МЕҲРИБОНЛИК» ОРОМГОҲИ ЧОРЛАЙДИ

**Бўстонлиқ туманидаги "Меҳрибонлик" соғломлаштириш оромгоҳида ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқариш мавсуми бошланди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси вакиллари, педагоглар, ижтимоий соҳа мутахассислари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ота-она меҳридан бебаҳра, алоҳида эҳтиёжли болаларга пухта билим бериш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бундай эзгу ишлар болаларни ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштириш жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги "Меҳрибонлик" оромгоҳида ёзги таътил давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйларининг мингдан ортиқ тарбияланувчиси дам олади. Илк мавсумда бу ерга Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги махсус тарбия муассасаларидан 260 нафар ўғил-қиз таклиф этилди.

Ўқувчиларни мароқли дам олдириш мақсадида оромгоҳда кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бажарилди. Уч минг туп манзарали ва мевали дарахтга ишлов берилиб, анвойи гуллар экилди. Маънавият ва маърифат хонаси, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, кино-концерт зали, дам олиш, тиббиёт хоналари, ўндан ортиқ тўгарак, компьютер ва хорижий тилларни ўрганиш хоналари таъмирланди.

Республика болалар кутубхонаси захирасидан беш мингдан ортиқ адабий-бадиий, маърифий, тил ўрганишга оид китоб, вақтли матбуот нашрлари келтирилди. Тўгараклар ишини янада такомиллаштириш мақсадида Республика "Баркамол авлод" болалар марказларидан зарур жиҳоз ва ускуналар ҳамда малакали мутахассислар жалб этилди.

Айни пайтда бу ерда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб олимлар, маънавият тарғиботчилари, адиб ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари билан давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ташкил этилади. Турли интеллектуал ўйинлар, викториналар, кўрик-танловлар, санъат фестиваллари, расмлар кўргазмаси ёшларнинг истеъдодини кашф этиш имконини беради.

– Мен бу оромгоҳда иккинчи марта дам олаяпман, – дейди самарқандлик Шокир Муродуллаев. – Ўлкашунослик, расм чизиш, хорижий тиллар бўйича тўгаракларга қатнашяпман. Кўплаб дўстлар орттирдим.

Тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари ижро этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Маънавият кечаси

## «ИЛК ҚАДАМ»НИНГ ОДИМИ ДАДИЛ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида шаҳар ва туманлардаги ижодкор ёшлар учун шу йил январь ойида асос солинган "Илк қадам" тўгараги ўз сафига кўплаб ижодкорларни қамраб олди ва бугунги кунда улар 500 дан ошди.**

Тўгаракнинг Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Бекобод ва Паркент туманлари бўлимларида иш қизғин бормоқда. Ҳафтанинг ҳар шанба кунлари ўтаётган ўқув-машғулотларида таниқли шоир, ёзувчи ва адабиётшунослар иштирок этиб, ёш ижодкорларга зарур маслаҳатлар бермоқдалар.

Қумовулдаги Маънавият ва маърифат марказида "Илк қадам" тўгараги аъзолари ва барча ижодкорлар учун ташкил этилган маърифат ва шеърият кечасида шу ҳақда сўз борди. Мустақилликнинг 22 йиллигига бағишлаб тўгарак аъзоларининг ижод намуналаридан сараланган "Ёшлар баёзи" китобининг чоп этилиши вилоят ёшларининг байрамга муносиб туҳфаси бўлди.

Маърифат ва шеърият кечасининг бу галги меҳмони бўлган Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, болалар ва ёшлар адабиётининг етук намоёндаси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоиров ҳамда бошқа истеъдодли ижодкорлар тадбир иштирокчиларига ижодий фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар ҳамда сўнгги йиллардаги бадиий ижод намуналари билан таништирдилар.

Маърифат ва шеърият кечаси тўгарак аъзолари ва истеъдодли ёшларнинг мушоирасига уланиб кетди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Тежалгани – нақд бойлик

**Қувватларни тежаш ва захиралардан фойдаланишни камайтириш тизимининг самарадорлигини ошириш нафақат қувватлар тармоғи, балки умуман, давлат иқтисодиётини юксалтиришнинг узоқ муддатли истиқболини ҳам белгилаб беради. Шу боис қувватларни тежаш, мутахассисларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда маҳсулот ва хизматлар таннархини камайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берувчи фаолиятининг асосий йўналиши ҳамда Ўзбекистон уй-жой-коммунал хўжалигини аҳоли учун ушбу хизматлар нархини арзонлаштирадиган тарзда ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланади.**

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ЗАХИРАСИ

Бунга ёнилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, қайта тикланаётган энергия манбаларини хўжалик оборотига киритишга қаратилган ташкилий, илмий, ишлаб чиқариш, технологик ва иқтисодий усуллар билан эришилади. Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига асосланган энергияни кўпроқ тежовчи ишланмалар, тураржой, ижтимоий, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ҳамда омборхона бинолари ва иншоотлари, энергияни истеъмол қилувчи ускуналар энг мақбул тартибда ишлатиладиган технологик жараёнларни ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган доимий харажатларни камайтириш, ускуналарни доим соз ҳолда сақлаш шулар жумласидандир.

Қувватларни тежаш жараёнида энергоаудит (энергетик текширув)га катта ўрин берилади. Аудитнинг вазифаси корхоналар ва энергия ресурсларини истеъмол қилувчи тизимни кўздан кечиришдир. Бундан мақсад – улар фаолияти ҳақида аниқ маълумот олиш ва самарадорликни оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Энергоресурсларни тежаш ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилишнинг барча жараёнларида бирдек амалга оширилиши керак. Бу иш лойиҳалаштириш босқичи, яъни техник-иқтисодий асослар, энергияни энг мақбул даражада тежайдиган технология ва жараёнларни ишлаб чиқиш, инвестицияларни ва корхоналарнинг ташкилий шаклларини асослашдан бошланиб, қуриш ҳамда ускуналарни монтаж қилиш жараёнларида давом этиб, ускуналар ва тизимни ишлатиш тартибларини вақти-вақти билан созлаш ва синаб кўриш билан якунланади.

*(Давоми 2-бетда).*

*Тошкент вилояти сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 45-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2013 йил 16 июнда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг бўшаб қолган депутатлик ўрни учун ўтказилган сайлов натижалари бўйича 29-Ўнқўрғон округи сайлов комиссияси баённомасига мувофиқ овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган қуйидаги номзод Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати этиб рўйхатга олинсин:

| Т/р | Депутат этиб сайланганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Номзод кўрсатган партия | Иш жойи ва лавозими | Яшаш манзили | Сайлов округи рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **АБДУВАСИКОВ** Абдуазиз Абдулазизович | 1978 | ЎзХДП аъзоси | ЎзХДП | Тошкент Давлат Аграр Университети проректори | Тошкент шаҳри | 29-Ўнқўрғон сайлов округи |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 17 июнь.

*Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

# Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сайлови бўйича 20-Бўка округида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида

20-Бўка округи сайлов комиссиясининг 2013 йил 16 июнда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг бўшаб қолган депутатлик ўрни учун ўтказилган сайлов натижалари баённомаси билан танишиб чиққан Вилоят сайлов комиссияси овоз бериш натижалари бўйича мазкур сайлов округида депутатликка номзодларнинг биронтаси ҳам сайланиш учун зарур овозлар сонини тўпламаганлигини эътироф этди.

Шу муносабат билан, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-иоддаси 13-банди ва 42-моддасига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2013 йил 30 июнда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 20-Бўка сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш асосий сайлов даврида энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади.

Такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича амалга оширилади.

2. Вилоят сайлов комиссиясининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сайлови бўйича такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 20-Бўка округ сайлов комиссияси такрорий овоз беришни "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласин.

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 17 июнь.

Фармон ва ижро

# МЕВАЗОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

**Мамлакатимизда аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлаш, боғлар ва узумзорларни кенгайтириш, ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда экспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарасида Тошкент вилоятида боғ ва токзорлар қарийб 51 минг гектарга етказилди. Мева-сабзавот ва узумни қайта ишлайдиган ўнлаб корхоналар, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Вилоятдаги боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг асосий қисми Зангиота, Бўстонлиқ, Қибрай, Янгийўл, Оҳангарон ва Паркент туманларида жойлашган.

– Боғлар, сабзавот майдонлари ва токзорлар фермерларга хусусий мулк сифатида берилгач, иш сифати ва самарадорлиги кескин ошди, – дейди Паркент тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Тоҳир Холтоев. – Маҳаллий иқлим шароитига мос мева навларидан янги боғлар барпо этилаётгани ҳосилдорликни ошириш, бозорларимизни сифатли ва сархил мева-сабзавот билан тўлдириш, нархини арзонлаштириш имконини бермоқда.

Мева-сабзавот ва узумчиликнинг ривожланиши туманда қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳозир Паркентда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган ўнга яқин корхона фаолият юритаётир. 2012 йили улар кўплаб фермер хўжаликлари билан шартнома тузиб, минглаб тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлади.

Вилоятда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун ажратилган ерларда асосан олма, шафтоли, ўрик, олхўри, гилос, олча етиштирилади. Боғбонлар ўтган йили мевадан 162 минг тоннадан ортиқ ҳосил олиб, катта даромад кўрди.

Айни кунда Паркент туманида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган беш юзга яқин фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. "Шоҳруҳ" фермер хўжалиги улардан бири. Мазкур хўжалик ихтиёридаги 41 гектар майдоннинг асосий қисмини боғ ва токзорлар ташкил этади. Унинг 9 гектарида гилоснинг беш хил нави парваришланмоқда.

– Агротехника тадбирлари вақтида бажарилса, бир гектар майдондаги гилосдан ўртача 7-9 тонна ҳосил олиш мумкин, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Ғофуров. – Ўтган йили ҳар гектардан 8 тонна атрофида ҳосил олдик. Унинг бир қисмини экспорт қилган бўлсак, қолганини ички бозорда сотдик. Бу йилги ҳосилимиз янада мўл бўлди.

Паркентда об-ҳаво нисбатан салқин бўлгани боис бу ерда гилос мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кечроқ пишади. Айни кунларда Шавкат фермернинг гилосзорларида ҳосилни териб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Жорий йилда гилосзорларини тўрт гектарга кенгайтирган фермер етиштирилаётган мевани сифатли сақлаш учун эллик тонналик совутгич қуриш ишларини бошлаб юборди.



**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

Тежалгани – нақд бойлик

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ЗАХИРАСИ

Иссиқлик энергиясини узоқ масофаларга узатишдаги катта молиявий ва электр энергетик харажатлар қилиниши ҳамда магистраль ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларида кўплаб иссиқлик йўқотилиши, шунингдек, бошқариш ва диспетчерлик хизмати тизими тобора кўпроқ қўлланилаётгани ҳисобга олиниб, иссиқлик ва электр энергиясини алоҳида мини-ТЭЦларда, яъни марказлаштирилмаган ҳолда ва уйғунликда ишлаб чиқариш тизими тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Ушбу тизимда ёнилғининг иссиқлик энергияси аввало электр (буғ, газтурбина ва бошқа ускуналарда) энергиясига айлантирилиб, сўнгра иссиқлик истеъмолчиларига иссиқ сув ёки буғ ҳолатида етказиб берилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Электр таъминотини марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтказиш Ғарб мамлакатларида кенг ривожланган. Буюк Британия 1000-5000 кВт қувватли 200 та мини-электр станция, Финляндия, Германия, Дания, Италия, Нидерландияда йирик жамоат саноат корхоналари ўзларининг 5000 дан 7000 гача кВт қувватли ТЭЦларига эга.

Юқори босимли буғ ишлаб чиқарувчи қозонхоналар электр қувватини энергетика тизимларидан қиммат нархларда сотиб олишга мажбур. Буғ қувватни тежаш ва ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш ёки ортиқчасини бошқа истеъмолчиларга сотиш имконини яратади.

Энергия ресурсларининг йўқотилишига қарши курашни йўлга қўйиш ҳам зарурдир. Марказий иссиқлик пунктларида трубопровод ва ускуналарни теплоизоляция қилиш, иссиқлик пунктлари ускуналарини сифатсиз созлаш, насосларнинг ишлаш тартиби ҳақида тармоқлар билан келишиб олмаслик, иссиқлик алмашиш жойларида чўкмалар ҳосил бўлиши ва шунинг оқибатида иссиқлик алмашувида гидравлик қаршиликнинг кучайиши ва жараённинг ёмонлашуви энергия ресурслари йўқотилишига олиб келувчи жиддий сабаблардир.

Энергиядан фойдаланишда оддий тартибни жорий этиш имконини берувчи камхаржли ташкилий-техник тадбирлар қисқа муддатда 10-15 фоиз энергияни тежашга ёрдам беради.

**Константин ПАНЧЕНКО, "Ўздавнефтгазинспекция"нинг Тошкент шаҳар бўлими етакчи муҳандис-технологи.**

Сиёсий жараён

# ОАВ ВА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ

## ўртасидаги мулоқот: Ўзбекистон тажрибаси

Давлат ва жамият ўртасидаги сиёсий мулоқотларда, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзида ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишда ахборот (матбуот) хизматлари муҳим роль ўйнаши керак. Бу борада 2006 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 203-қарори, кейинроқ эса давлатнинг информацион очиқлик даражасини оширишга қаратилган бир қатор ҳукумат ҳужжатлари қабул қилиниб, унда давлат ҳокимияти органлари тизимида жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ҳозирги вақтга келиб деярли барча вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари йўлга қўйилди ёки мавжудлари қайта ташкил қилинди. Раҳбарият томонидан белгиланган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, идора фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ОАВда эълон қилиш, интернет тармоғида идоранинг веб-ресурсларини яратиш ва самарали ишлашини таъминлаш, идора фаолияти хусусидаги жамоатчилик фикри ҳамда миллий ва хорижий ОАВ позициясини таҳлил қилиш ва раҳбариятни бундан хабардор этиш уларнинг асосий вазифалари сифатида белгилаб берилган.

Мамлакатимиз ОАВларида уларнинг ижроси таъминланиб, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, вазирлик ва идораларнинг фаолияти, ҳар хил дастур ва лойиҳаларнинг ижросига оид информацион ва таҳлилий материаллар мунтазам эълон қилинмоқда, вазирлик ва идораларнинг веб-сайтлари яратилган, ахборот майдонини мониторинг қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Кези келганда таъкидлаш керакки, деярли барча хорижий матбуот хизматларида мулоқот механизми яхши йўлга қўйилган. Ташкилот доирасида ва ундан ташқарида юритиладиган ахборот сиёсати юзасидан доимий равишда мониторинг ўтказилади. Бунда матбуот хизматлари шундай муҳим хусусиятга эгаки, улар ўзгарувчан жамоат фикрининг у ёки бу нозик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўз стратегияларини кескин ва самарали тарзда ўзгартиришлари мумкин.

Афсуски, республикамизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари у ёки бу давлат органи фаолиятидаги муаммолар, уларнинг сабабларини аниқлашга қаратилган жамоатчилик фикрини ўрганиш усулидан жуда кам фойдаланмоқда. Масалан, Давлат божхона қўмитаси ва "Ўзбекинвест" компаниясининг ахборот хизматлари шундай тадбир ўтказиш бўйича муайян тажрибага эга. Хусусан, "Ўзбекинвест"нинг ахборот хизмати ҳар йили ўзининг PR-фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан маркетинг таҳлилини ўтказишга буюртма беради. Тадқиқот 40 та маҳаллий ОАВ ҳамда бизнесменлар доирасининг вакиллари бўлмиш 100 нафар респондент ўртасида ўтказиладиган сўровни ўз ичига олади. Бу тажриба, албатта, таҳсинга сазовор.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қайд этиш жоизки, узвий алоқа шакллари ("савол-жавоб" бўлимлари) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аксарият веб-сайтларида мавжуд. Бундай техник имконият уларнинг веб-сайтларига қўйиладиган талабларда кўзда тутилган. Чунки, маҳаллий ва хорижий амалиётнинг кўрсатишича, бундай сўровлар идоранинг фаолияти ҳақида манфаатдор аудиториянинг баҳосини билиш имконини беради.

Юқоридаги каби вазифаларни самарали ҳал этиш кўп жиҳатдан кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу боис жамоатчилик билан алоқалар бўлимлари ва матбуот хизматлари бу масалага алоҳида эътибор қаратаяпти ва ходимлар (PR-мутахассислар, журналистлар, политологлар ва бошқалар)ни танлашда уларнинг профессионал тайёргарлиги ва киришимлилик хусусиятлари синчковлик билан ўрганилмоқда.

Ахборот хизматларини фаоллаштиришнинг энг муҳим элементи ҳам ходимларнинг профессионализмидир. Шу сабаб ходимларнинг билим ва малакасини ошириш ишларини тизимли равишда ташкил қилиш учун ахборот хизматлари фаолиятининг турли йўналишлари, масалан, пресс-релизлар тайёрлаш, пресс-конференция ва брифинглар уюштириш кўникмасини такомиллаштириш, веб-сайтлар контентини самарали бошқариш, медиа ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш бўйича мунтазам семинар-тренинглар ўтказиш йўлга қўйилган.

Юқоридаги каби чора-тадбирларни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда ОАВ билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича фуқаролик жамияти институтлари томонидан турли лойиҳалар амалга оширилаётганини ҳам эътироф этиш жоиз.

Қайд этиш керакки, репортёрларнинг янги авлоди махсус гуруҳни ташкил этувчи профессионал журналистларнинг ижодий технологиясини билишлари керак. Негаки, улар воқеаларни таҳлил қилишади, аҳамиятини очиб беришади, ўқувчи, тингловчи ва томошабинни жалб эта олишади, шу мақсадда ОАВга воқеа ҳақида турли-туман нуқтаи назарлар акс этган материалларни тақдим этадилар. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг янгилик, мураккаблик даражаси, суръати жуда юқори. Журналистлар айниқса бозор иқтисодиёти шароитида "мустақил матбуот" атамаси нимани англатишини аниқ билишлари зарур.

Яна хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларда матбуот хизматларининг фаолияти информацион ишни режалаштиришга асосланади. ОАВ билан ишлашни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаб тизимли ёндашув ҳисобланади. ОАВ вакиллари билан ҳамкорлик кутилаётган натижа нуқтаи назаридан аниқ режалаштирилган ва ҳисобга олинган бўлади.

Ўзбекистонда ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот сиёсатини амалга ошириш воситалари ва механизмларини такомиллаштириш мақсадида 2005 йилдан бошлаб ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинган. Улар идораларнинг раҳбарлари ва ўринбосарлари, етакчи ходимлари иштирокида теледастурлар, интерактив тадбирлар, пресс-конференция ва брифинглар ўтказиш орқали аҳолининг давлат ҳокимияти органлари фаолиятидан хабардорлигини оширишга қаратилган.

Бош прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси каби бир қатор органларнинг бу борадаги фаолияти яхши йўлга қўйилган ва бошқа органлар бу йўналишда улардан ибрат олса арзийди. Жамоатчиликни ташкилот фаолияти ҳақида хабардор қилишда идоравий нашрлар ва марказий ОАВда (кўпинча ЎзА, "Халқ сўзи", "Народное слово"да) мақола ва норматив ҳужжатларни эълон қилиш етакчилик қилади.

Афсуски, бугунги кунда давлат ҳокимияти органларида мамлакатимиз ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш механизми кўнгилдагидек эмас. Маҳаллий ОАВ билан тизимли равишда ҳамкорлик қилиш тақозо этилгани ҳолда уларда аккредитациялаш механизми доимий асосда ишламаяпти. Бунинг устига, аксарият вазирлик ва идоралар фаолиятларини ёритиш учун аккредитациядан ўтмаган бўлса-да, жалб қилиниши мумкин бўлган журналистларнинг норасмий "гуруҳ"ларини ташкил этишга ҳаракат қиладилар.

Шу жиҳатни инобатга олганда, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасида аккредитациялашнинг амалдаги тизими мустаҳкамлаб қўйилиши журналистларнинг муайян давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятининг у ёки бу секторига доимий ихтисослашишига кўмаклашади. Бундан ташқари, ахборот хизматлари ва журналистлар ўртасида барқарор алоқалар шаклланади.

Маълумки, барча хорижий матбуот хизматлари ахборотни ўз вақтида тақдим этиш принципига қатъий риоя қилишади. Янгиликлар жуда оз вақт мобайнида янгилик ҳисобланади, шу боис улар ҳақида зудлик билан хабар бериш керак. Акс ҳолда ОАВ учун уларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди, бундан ҳам ёмони, жамоатчилик орасида тегишли воқеага доир турли миш-мишлар тарқала бошлайди.

Эътироф этиш керакки, мамлакатимиз фаоллик билан ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни ривожлантириш сиёсатини юритаётган давлатлар сирасига киради. Ўзбекистонда айниқса АКТни ривожлантиришга ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувга эришиш имконини берувчи стратегик йўналишлардан бири сифатида қаралаётгани эътиборга моликдир.

Аҳоли, ёшлар, бизнес тузилмаларининг давлат сиёсати ҳақида замонавий интернет технологиялари воситасида хабардорлиги, ижтимоий аҳамиятга эга ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, интернет имкониятларидан фойдаланишни янада кенгайтириш, АКТ асосида давлат, жамият ва ОАВ ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш, давлат хизматчилари ва журналистларнинг АКТдан фойдаланишга оид билим ва кўникмаларини ошириш ОАВ ва давлат органларининг веб-ресурсларини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, ҳозирги вақтда барча давлат органлари ўз веб-сайтларига эга, исталган киши улардан ўзини қизиқтирган ҳамма ахборотни олиши, расмий материаллар билан танишиши мумкин. Бундан ташқари, бошқа веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Шу тариқа он-лайн режимида ишловчи ва узлуксиз янгиланувчи сайтлар сонининг ошиши орқали аҳоли ва халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида хабардорлик даражасини ошириш учун шароит яратилмоқда.

Давлат органларининг информацион ресурслари давлат ахбороти манбаи эканлиги, сайтга жойлаштирилган ахборот эса ОАВда эълон қилинган ахборот билан бир хил кучга эгалиги белгиланган. Бундан ташқари, веб-сайтларнинг доимий равишда янгиланиши ва ахборот билан тўлдириб борилиши ҳукумат, фуқаролик жамияти институтларининг доимий назоратидадир, уларнинг сутка мобайнида барча учун очиқ бўлиши устидан жамоатчилик мониторинги ўрнатилган.

Фойдаланувчиларнинг давлат интерактив хизматларидан фойдаланишига, жумладан пул тўлаб фойдаланишига имконият яратиш мақсадида Ўзбекистон давлат интерактив хизматларининг яхлит портали яратилди. Унинг асосий вазифалари сифатида давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратиш, фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, фойдаланувчиларнинг давлат органларига мурожаат қилиши йўлидаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни камайтириш ва бартараф этиш, "электрон ҳукумат"нинг янада ривожланишига ҳамда давлат бошқарувига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилишига кўмаклашиш кабилар белгилаб қўйилган.

Бу борадаги ишларнинг белгиланган талабларга мослигини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизми йўлга қўйилган. Аксарият давлат органларининг веб-сайтлари Компьютер ва ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази (Ўзинфоком) томонидан йилига икки марта ўтказиладиган экспертиза натижалари бўйича рейтинг баҳоларига эга бўладилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтларига мурожаатлар статистикаси шуни кўрсатадики, уларнинг айримлари фойдаланувчилар сони бўйича ахборот агентликлари билан рақобатлашиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу турдаги веб-сайтлар ахборот майдонини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориш учун етарли потенциалга эга.

Шу билан бирга, назаримизда, веб-сайтлардаги ахборотлар ҳажми чекланган, энг аввало ҳисобот ва ахборот-таҳлил хусусиятига эга материалларни мунтазам жойлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмагани кўзга ташланади. Давлат органлари веб-сайтларининг бир неча тилдаги версиялари мавжудлигини инобатга олиб, ҳисоботлар ва информацион-таҳлилий материалларни мунтазам равишда жойлаштириш ишларини такомиллаштириш зарур.

Сиёсий ислоҳотлар мантиғи шуни кўрсатмоқдаки, келажакда парламентда кўпчилик ўринга эга бўладиган сиёсий партия ҳукуматни шакллантиради, Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликлар эса сиёсий арбоблар сиймосида намоён бўлади. Аҳолининг, айниқса тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий фаоллиги ошиб бораётганлиги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ишига янги-янги талабларни қўймоқда. Аввало бу ижро ҳокимияти органларининг жамоатчилик олдидаги очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминловчи институт ва механизмларни ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда вакиллик ҳокимиятининг яхлит тизими шаклланганi ва муваффақиятли ишлаётгани барчага маълум. Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимиятнинг вакиллик органи Халқ депутатлари Кенгашлари ҳисобланади. Бугунги кунда вакиллик ҳокимияти органларининг саъй-ҳаракатлари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини кучайтиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Кенгашлар олдига қўйилган вазифалардан бири фуқароларнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш масалаларига оид мурожаатларини чуқур таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва ҳал -қилишга кўмаклашишдир. Уларни амалга оширишда жамиятда очиқлик ва ошкоралик принципларини таъминлайдиган ОАВ муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий муаммони ҳал қилишга ОАВнинг кўмак бериши жойларда унинг нуфузини ошириши, одамларнинг ишончини қозониш имконини бериши мумкин, шу боис давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини профессионал даражада ёритиш улкан аҳамиятга эга.

Афсуски, тарафларни ҳар доим ҳам конструктив ҳамкорликка, функционал муносабатларга тайёр деб бўлмайди. Бу журналист текшируви йўналишининг ривожланишига ҳам тааллуқлидир. ОАВ ҳали бу имкониятдан тўлиқ фойдаланаётгани йўқ. Вилоятларнинг даврий нашрларида журналист текширувига оид материаллар камдан-кам чоп этилади. Партиявий нашрлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. ТВ, радиода ҳам шундай аҳвол кузатилади. Ҳолбуки, айнан текширув материаллари вакиллик ва ижро ҳокимияти органларига жойлардаги ишларнинг аҳволини, муаммо ва ташвишларни чуқурроқ ўрганишга ёрдам бериши мумкин.

Шунингдек, бу бевосита жойларнинг ўзида давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш имконини беради. Яна шунга эришиш керакки, журналистлар ўтказган текширувлар нафақат жойлардаги қизғин муҳокамалар предмети бўлсин, балки сиёсий партиялар бевосита иштирок этадиган парламент назоратини амалга ошириш учун асос вазифасини ўтасин. Бу ерда айнан парламент назорати ОАВни демократлаштиришга сезиларли даражада ёрдам беришини ҳисобга олиш лозим.

Пировардида ижро ҳокимияти органлари тизимида қарорларни тайёрлаш, амалга ошириш, ижроси натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёни қайта кўриб чиқилиб, унинг барча босқичларига жамият – сайловчилар ва солиқ тўловчилар билан мулоқот элементлари киритилади.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат келгусида журналистларнинг янги авлоди шаклланишига ёрдам беради, балки Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ислоҳ қилиш ва янада такомиллаштириш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради.

**Светлана ОРТИҚОВА, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**
**Нодира ЗИКРИЛЛАЕВА, қўмита эксперти.**

Диққат, танлов!

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда:

мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган;

халқимиз ўтган даврда ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топган;

халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

**"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

– ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
– босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
– телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
– тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
– кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг паспорти нусхаси;
– иш жойидан тавсиянома;
– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,**
**Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси**
**Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79;**




## ЧЕХИЯ БОШ ВАЗИРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

**Чехия бош вазири Петр Нечас лавозимидан воз кечишини маълум қилди. Reuters агентлигининг ёзишича, у коалициядаги шериклари билан музокара олиб боргач, шундай қарорга келди.**



Нечаснинг сўзларига қараганда, у Фуқаролик демократик партияси етакчиси лавозимидан ҳам воз кечади. AFP агентлигининг маълум қилишича, бош вазир ўзининг бу қарорини "сиёсий масъулият" дея баҳолади.

Нечас бош вазир аппарати раҳбари Яна Нагованни парламент аъзоларини сотиб олиш ҳамда ходимларнинг телефон орқали сўзлашувларини яширинча тинглашга фармойиш берганликда айблаганларидан сўнг истеъфога чиқишини маълум қилган. Адвокатларнинг айтишича, суҳбатларни махфий ҳолда тинглашга қаратилган мақсадлардан бири бош вазир рафиқасининг сўзларини эшитиш бўлган. Негаки, Нечас 11 июнь куни рафиқаси билан ажралишмоқчи эканлигини айтганди.

13 июнь куни Нагова билан бир пайтда бир қатор юқори мансабли амалдорлар, шу жумладан, Нечас бошқараётган Фуқаролик демократик партиясининг бир неча вакиллари ҳам қўлга олинган эди.

Чехия конституциясига мувофиқ бош вазир истеъфога чиққач, мамлакат ҳукумати тарқатиб юборилиши ва янгидан тузилиши лозим.

## ТУРКИЯДА МИЛЛИЙ ИШ ТАШЛАШ

**Туркиядаги иккита етакчи касаба уюшмалари – Давлат хизматчилари касаба уюшмалари конфедерацияси ва Прогрессив касаба уюшмалари конфедерацияси миллий иш ташлаш эълон қилди.**



Reuters агентлигининг маълум қилишича, ушбу ташкилотларнинг қўшма баёнотида айтиладики, иш ташлаш акцияси Истамбул шаҳри марказидаги Гези боғида жойлашиб олган мухолифатчиларни ҳайдаб чиқаришга уринишларга қарши қаратилган.

Режеп Тайип Эрдоган ҳукуматига қаршиларни боғдан қувиб чиқариш ҳаракати ўтган шанбадан якшанбага ўтар кечаси юз берди. Минглаб намойишчилар боғга ва унга туташ Таксим майдонига киришга уриндилар. Бироқ, полиция кўздан ёш оқизувчи газни ишга солиб, уларни тўхтатди.

Ҳукуматга қарши қаратилган намойишлар Туркиянинг турли шаҳарларида июнь ойининг бошидан буён давом этаяпти. Аввалига бунга ҳукуматнинг Гези паркини бузиб ташлаб, ўрнида қурилиш бошлаш режаси сабаб бўлганди. Бироқ, кўп ўтмай, намойишчилар бир қатор сиёсий талаблар билан чиқа бошлашди. Жумладан, Эрдоганнинг истеъфога чиқишини талаб қилишди.

Намойишчилар билан полициячилар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида тахминан 5 мингга яқин киши жабр кўрди. Камида 4 киши ҳаётдан кўз юмди. 14 июнь куни ҳукумат раҳбари намойишчилар вакиллари билан музокара олиб бориб, ортиқча куч ишлатган полицияни жазолашга ваъда берди. Бироқ шунга қарамай, полициячилар уларни кучли сув босими ҳамда кўздан ёш оқизувчи газ ёрдамида боғдан ҳайдаб чиқаришди.

## АЯГАН КЎЗГА ЧЎП ТУШДИ

**Калифорниялик Эрик Клутье гаражидаги ортиқча нарсаларини улгуржи сотаётган пайтда бир аёлга соатдан бўшаган қутичани ҳам қўшиб сотган.**



Рафиқаси Ракелнинг айтишича, ўша соат қутичасида унинг никоҳ узуги бўлган. Эри эса, буни билмай сотиб юборган. Эрикнинг айтишича, харидор соат қутичаси учун 10 доллар берган экан. Унинг ичидаги бриллиант кўзли никоҳ узуги эса 23 минг доллар туради.

Ракел Клутьенинг сўзларига қараганда, у туғуруқхонага кетаётганида узугини ечиб, соатнинг бўш қутичасига солиб қўйган. Шу йўл билан у узукни икки ёшли эгизак болалари кўзидан яширмоқчи бўлган. Аммо, бу ҳақда эрини огоҳлантиришни унутган.

Эрик Клутье соат қутисини сочи оч рангли аёлга сотганини эслдайди, холос. Энди уни топиб кўрингчи! Шу боис Ракел узугидан умидини мутлақо узган. Аммо Эрик узукни қайтаришларига ҳамон умид боғлаяпти.

## КРИТ ОРОЛИДА ЗИЛЗИЛА

**АҚШ геология хизмати тарқатган хабарда келтирилишича, Грециянинг Крит оролида 5,8 магнитуда куч билан ер силкиниши қайд этилди.**

Ер ости тебранишларининг эпицентри оролнинг жанубий қирғоқларида жойлашган. Зилзиланинг ўчоғи эса, ер қаърининг 40 километр чуқурлигида бўлган. Қурбонлар ёки вайронгарчиликлар ҳақида хабар тарқатилмади.



**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ҳаёт сабоқлари

# ХУЛОСА



Заҳро ая келини Севаранинг кир юваётганини кузатиб ўтириб, энсаси қотди.

– Намунча ивирсиламаса бу келин. Эрталабдан кечгача тўртта кирни мижиғлагани-мижиғлаган. Ўқимишли, удлишудли ўғлимга ношуд келин олиб берган мен аҳмоқман ўзи.

– Ассалому алайкум, ойижон. Яхши ўтирибсизми?

Акбаржоннинг бемаҳалда ишидан келганидан хавотирланган Заҳро ая ўғлидан сўради:

– Нега эрта қайтдинг, тинчликми?

– Набирангиз кечаси билан иситмалаб чиқди. Келинингиз билан шифокорга олиб бормоқчи эдик. Тезда келамиз.

"Оббо, "инг" деса эрининг машинасида боришлари керак, хонзодахон. Болани эпласанг туғ. Менга ўхшаб бири қўлингда, бири қорнингда, яна бири этагингни ушлаб юрганида нима қилардинг" кўнглидан ўтказди Заҳро ая ғашлик қилиб. Бу пайтда эрини очиқ чеҳра билан кутиб олган Севара уйдагиларга тушлик овқат тайёрлаб қўйганини айтиб, ўғилчасини кийинтиргани кириб кетди.

Эр-хотин эшикдан чиқиб кетгач, хиёл ўтмай, дарвоза олдига машина келиб тўхтади. Ҳовлиқиб кириб келган Роҳилани кўрган онанинг юраги ёрилай деди.

– Ойижон, ортиқ чидолмайман. Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Қайнонам кирларини ювмаганимдан хафалар. Ўтган куни кир машина бузилиб қолган бўлса, қандай қилиб юваман, ахир?! Ҳозир ҳам куёвингиз билан тўйга кетаётганимни айтмай, жодугарни алдаб чиқиб келдим. Энди мендан кўрсин...

– Ҳой-ҳой. Ундай дема, қизим. Биттагина қайнонангнинг кўнглини тополмасанг уят бўлади. Келинойингни қара, катта ҳовлимиз ишига улгуради. Боласи касал бўлса ҳам менга оғирлигини солмайди. Бирон юмуш билан кўчага чиқса ҳам бир уй жонга овқат тайёрлаб, кейин остона ҳатлайди. Кирларни қўлда ювинг, машинада кийимлар титилиб кетади десам, кўнди-я, бояқиш.

Заҳро ая Роҳилани яхши гаплар билан кузатиб қўяркан, ўйланиб қолди. Менинг келиним тилла. Унга зуғум қилсам, қизларимдан қайтади. Ҳали келсин, ўқишингни ташлайсан деган гапларимни ҳам қайтариб оламан. Ўқитувчиликка иштиёқи бор боламнинг. Иштиёқи сўнмасин. Ундан яхшигина ўқитувчи чиқади.

**Аллома АЗИЗОВА.**

Ҳангома

# БЎЙИНБОҒ



Бир пайтлар резина боғичли, икки учи темир илгакли, арзон бўйинбоғлар бўларди. Шунинг учун уни талабалар хуш кўришарди. Ҳар ҳолда оддий кўйлакни ҳам пўримроқ кўрсатарди-да.

Олмош шундай қора бўйинбоғ билан Педагогика институтини тугаллаб, мактабга ишга келганига ўттиз беш йил бўптики, ҳамон уни бўйнидан қўймай, тақиб юради. Бир пайтлар хотини: "Шу бўйинбоғ сизга бирам ярашади!" деса, энди: "Шу эски матоҳдан качон қутуласиз?!" деб зорланадиган бўлган. Олмош бўлса: "Ирим қилдим, шуни пенсиягача бўйнимдан ечмайман!" деб ҳиринглаб кулади. Мактабга таққани етмагандек, шанба оқшомларида улфатлар билан бўладиган гаштакларга ҳам бўйинбоғда боради.

Янги йил арафасида Каримқул қитмир улфатларга: "Олмош байрам зиёфатига шу исқотида келса, уни норинга қўшиб, ўзига едириб юбормасам отимни бошқа қўяман!" деб, катта гапирворди.

Содиқникида бўлган янги йил арафасидаги ўтиришга кутилганидек, Олмош ўша бўйинбоғни тақиб келди. Каримқул билан Мирза қассоб норинга гўшт тўғрашаётган эди. Олмош курткасини ечиб, кўрпачага ўтираётганида Каримқул: "Бўйинбоғни ечиб ўтирсангчи, мажлисда эмассанку!" деди энсаси қотиб. Олмош истамайгина бўйинбоғни ечиб, куртканинг устига илиб, нарда ташлашаётган жўралар ёнига бориб ўтирди. Каримқул дик этиб ўрнидан туриб, бўйинбоғни олиб, гўштахтага қўйиб, майда-майда қилиб, қиймалаб, алоҳида тоғорачадаги хамирга аралаштираётганини сезганларнинг бирови мийиғида кулди, бирови томоқ қирди, бирови йўталди.

Дастурхонга норин тортилганида, Олмошнинг олдига алоҳида тўғралган тоғорачадагидан қўйилди. Олмош қўлидаги қадаҳни сипқоргач, иштаҳа билан норин ейишга киришиб кетди. Хонага оғир сукунат чўкиб, улфатлар: "Буёғи нима бўларкин?" деб кута бошлашди. У тақсимчадаги норинни ярмигача еди-да, кейин тишига кириб қолган "гўшт" парчасини қўли билан олиб, уни бармоқлари орасида эзғилаб:

– Роса қари, қирчанғи отнинг эти экан! – деб хулоса қилди, кейин яна норинни ейишда давом этар экан, афтини буриштириб, уй эгасига зорланди. – Содиқбой, товуқ семирса тухумламайди, деганидай, бойиган сайин қаттиқлашиб, норинга эт ўрнига этикнинг ўлтонини солганмидинг, ҳар ютганда томоқни қириб ўтяпти!

Меҳмонхонада кўтарилган қаҳқаҳадан шифтдаги биллур қандилнинг шодаларигача жаранглаб кетди.

**Дилфуза АКБАРОВА.**

Шайхонтоҳур туман ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ZIYO-SARAFROZ" (ИНН 205058804) МЧЖнинг устав фонди 250 000 000 (икки юз эллик миллион) сўмдан 6 000 000 (олти миллион) сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 535-55-99.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 1998 йилда Махамаджонов Ильхам Мурадович номига берилган № 917733 рақамли ва Ўзбекистон банк-молия академияси томонидан 2008 йилда берилган М № 031296 рақамли дипломлар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный кассовый аппарат "Меркурий-115 Ф" за № 288362 (регистр. № 1373), зарегистрированный Учтепинским ГНИ, выданный по адресу: Чиланзарский район, Алгоритм, массив Гулистон, 54-3, на ЧП "DJURAEV NAJMIDDIN MUXAMMADOVICH", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную шаходатному U № 5141008, выданный в 2011г. школой № 14 о 9-классном образовании Бостанлыкского района, Ташкентсой области на имя Есиркепова Динара Пулат кизи, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи томонидан 2011 йил 9 июнда Турғунова Феруза Бахром қизи номига берилган L № 127038 рақамли диплом (тартиб рақами № 1501) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бу қизиқ

## Қатиқ қўшилган бўёқ

Ўтмишда одамлар махсус бўёқ моддасини излаб юришмаган. Улар ғор деворида, дарахт ва терида нимаики из қолдирса, бўрми, қоракуями, лой ёки ўсимлик шарбатими, дуч келганини бўёқ учун ишлатаверганлар. Кейинчалик минераллар, ўсимлик ва ҳайвон организмидан ҳақиқий бўёқлар яратилган. Масалан, қадимий римликлар пурпур (қимматбаҳо қизил бўёқ)ни денгиз моллюскасидан олишган. Аждодларимиз қизил мисни қатиққа солиб, идишни икки ҳафта иссиқ жойда сақлашган ва ундан ярқироқ бўёқ ҳосил бўлган. XIX асрнинг ўрталарида Англияда сунъий бўёқ тайёрланган. XX аср бошлари, айниқса, ҳозирги даврга келиб сунъий бўёқнинг бири-биридан антиқа хиллари ишлаб чиқарилади.

**М. АҲМЕДОВА тайёрлади.**

Жиноятга жазо муқаррар

# ЭЛ РИЗҚИГА ТАЖОВУЗ

## ёки бир қаллобнинг юз найранги хусусида

Нафс шундай ўпқонки, унинг домига илинган киши ҳалолҳаромнинг фарқига бормайди, ўзгалар ҳақига кўз олайтиришдан тоймайди. Нафс бандасида виждон ҳам, имон ҳам бўлмайди. Бойлик орттириш учун ҳар хил найранг ўйлаб топади. Агар у раҳбар бўлса, жамият учун ҳам хавф туғдиради.

Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор фармон ва қарорларига асосан аҳолини кундалик эҳтиёж озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг қатъий меъёрлари белгилаб берилган. Бу муҳим вазифа "Бекобод улгуржи ва чакана савдо" корхонасига юклатилган. Бироқ, корхонада жойлашиб олган бир гуруҳ қабиҳ ниятли кимсалар ўзларига ишониб топширилган вазифадан ғаразли мақсадларда фойдаланганлар. Мансабларини суиистеъмол қилиб, аҳолига сотилиши керак бўлган ун, пахта ёғи, шакар, совун каби маҳсулотларни оширилган нархда пуллашган.

Жиноий гуруҳ раҳбари Абдукарим Эрназаров 2009 йилдан бошлаб "Бекобод улгуржи ва чакана савдо" масъулияти чекланган жамияти раиси лавозимида ишлаб келди. 2009 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандлари билан айбланиб, уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. 2011 йил 21 апрелда, яъни муддатидан олдин озод қилинди. Жиноий гуруҳ аъзоларидан Жамила Мамедова 2009 йилдан буён шу корхонанинг бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келган. Муҳтарам Раҳмонова 2010 йилдан буён корхона ғазначиси бўлиб ишлайди.

2010 йилдан 2012 йилнинг апрелигача ушбу жиноий гуруҳ аъзолари А. Эрназаров, бош ҳисобчи Ж. Мамедова, ғазначи М. Раҳмонова, таъминотчилар Ў. Юсупов ва Б. Турдибоев арзон нархларда сотилиши керак бўлган ун, пахта ёғи, шакар, совун ва бошқа маҳсулотларга устама нарх қўйиб сотишган. Бу бевосита корхона раҳбари А. Эрназаровнинг кўрсатмаси билан амалга оширилган. Гувоҳларнинг айтишига қараганда, таъминотчи экспедиторлар Ў. Юсупов ва Б. Турдибоев маҳсулотларни олиб келишгач, жамият раҳбари А. Эрназаров билан келишилган ҳолда юк хатларига ўз нархларини қўйиб, кейин дўконларга тарқатишган. Натижада дўкон мудирлари маҳсулотни юк хатида кўрсатилган нархларда сотишиб, пулни жамият ғазначисига топширишган. Ғазначи М. Раҳмонова сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий нархи бўйича ғазнага кирим ордерларини ёзиб борган. Шундан сўнг корхона ҳисобчиси Ж. Мамедова билан маҳсулотлар ҳақиқий нархда сотилди, деб сохта ҳисобот тузишиб, ошиқча нархдан тушган пулларни А. Эрназаров бошчилигида ўзлаштиришган.

Жамиятнинг 2010 йилдан 2012 йилнинг апрелигача бўлган даврдаги фаолияти ўрганилганда, бундай қаллоблик сурункали давом этгани аниқланди. Жумладан, 2010 йил мобайнида Охунбобоев қишлоғининг "Бешюз" ва Далварзин қишлоғининг "Боғишамол" маҳалласи аҳолисига рўйхат асосида сотиш учун келтирилган 28.700.000 сўмлик 5085 килограмм ун ва 74.279.829 сўмлик 31636,7 килограмм ёғни қабул қилиб олган сотувчилар таъминотчилар устама нарх қўйган сохта юк хатидаги нарх бўйича уннинг ҳар килограммига 36 сўмдан қўшиб 600 сўмдан, жами 30.510.000 сўмга ва ёғнинг ҳар килограммини 3571 сўмдан, жами 112.025.000 сўмга сотишган. Натижада ундан ошириб сотиш ҳисобига тушган 1.800.000 сўм, ёғдан 37.745.000 сўм, жами 39.555.000 сўм корхона ғазнасига кирим қилинмай ва хизмат кўрсатувчи банкка топширилмай А. Эрназаров, Ж. Мамедова ва М. Раҳмонова ўртасида талон-торож қилинган. Бундай жиноий ҳаракатлар туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам муттасил давом эттирилган. Масалан, 2010 йил давомида Жумабозор қишлоғи "Қушчи" ва Ҳамза номли маҳаллалар аҳолисига оширилган нархда сотилган ун ва ёғдан ҳосил бўлган 28.962.000 сўм, 2011 йил 101.411.000 сўм, 2012 йилнинг апрелигача 6.045.000 сўм, 2010-2011 йиллар ва 2012 йилнинг 1 апрелигача 136.418.000 сўм ғазнага кирим қилинмай ва хизмат кўрсатувчи банкка топширилмай, ўзлаштириб юборилган.



Хуллас, 2010 йилдан 2012 йилнинг апрелигача ҳаммаси бўлиб 1 млрд. 424.622.000 сўм ўзлаштирилиб, аҳолининг қонун билан қўриқланадиган иқтисодий манфаатларига катта миқдорда зарар етказилган.

Жиноий гуруҳ раҳбари А. Эрназаровнинг қилмишлари фақат шундан иборат эмас экан. У "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти раиси лавозимида ишлаб, жамиятга тегишли бўлган бино ва иншоотларни кимошди савдосига қўймай ва тегишли тартибда баҳолатмай, жисмоний ва юридик шахсларга сотиб юборган. Жумладан, "Далварзин", "Ёшлик", Ф. Хўжаев, Бобур номли хўжалик ҳисобидаги савдо корхоналари балансида бўлган савдо дўконлари ва бошқа иншоотларни паст нархларда сотиб юбориб, жамиятга 14.897.408 сўм зарар етказган. Шунингдек, у "Бекобод улгуржи ва чакана савдо" корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб, Адҳам Сайдалиевдан "Ёшлик" савдо марказидаги "Афзалбек" тўйхонасини таъмирлаш жараёнида тўйхона ёнидан уч сотих ерни расмийлаштириб бериш эвазига 6000 АҚШ доллари ундирган. Бироқ, ажратилган жойни расмийлаштириб бермагани ва олган пулни ҳам қайтармагани сабабли А. Сайдалиев 2012 йил май ойида тегишли органларга ариза билан мурожаат қилгач, А. Эрназаров олган пулини қайтариб берган.

Мазкур жиноят иши бўйича бўлиб ўтган жиноят ишлари туман судининг очиқ мажлисида айбдорлар ўз айбини тан олмасликка ва рад этишга уринсалар-да, содир этилган жиноий ҳаракатлар гувоҳларнинг кўрсатмалари, ариза ва тушунтириш хатлари, оралиқ далолатномалари, юк хатлари, текшириш далолатномалари, далилий ашё деб эътироф этиш қарори ва бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди. Суд судланувчи Абдукарим Эрназаровни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор деб топди ва 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. А. Эрназаровнинг уйидан далилий ашё тариқасида олинган "Агробанк"нинг Зафар филиалига топширилган 2 миллион 755 минг сўм ва унга тегишли давлат рақами 10 F 697 DF бўлган "Тико" русумли автомашина давлат ихтиёрига ўтказилди ҳамда етказилган зарарни қисман қоплашга йўналтирилди. Корхонага тегишли мол-мулкни сотишдан етказилган 14.897.408 сўм зарарни камомад қисми шу мулкларни сотиб олган 14 нафар фуқаролар ва А. Эрназаровдан солидар тартибда ундирилиши белгиланди.

Суд жиноий гуруҳ аъзолари Ж. Мамедова ва М. Раҳмоновага нисбатан қўзғатилган жиноий ишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг 6-бандини қўллаган ҳолда ҳаракатдан тўхтатишни лозим деб ҳисоблади ва жазодан озод қилди. Судланувчилар А. Эрназаров, Ж. Мамедова ва М. Раҳмоновадан талон-торож қилинган 1.424.622.000 сўм зарарни давлат фойдасига солидар тартибда ундирилиши белгиланди.

Орамизда эл хизматига камарбаста, яхши-ёмон кунларида мададкор бўлган, поклик ва ҳалолликни ўзига шиор қилиб олган ҳамкасблари шаънига доғ тушириб, эл ичра ёмонотлиқ бўлиб қолган бундай кимсаларнинг борлиги жуда ачинарлидир. Ўзини тадбиркор деб билган, савдо-сотиқ фаолияти билан эл дастурхонини тўкин, оиласини фаровон қилиш ниятида юрган фуқароларимиз ушбу ҳолатдан тегишли хулоса чиқариб олишлари шубҳасиз. Зеро, нафсини жиловлай олмаган кишининг бир кунмас, бир кун албатта юзи шувут бўлади.

**Умид ПЎЛАТОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7391. Адади 13 977. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30.